

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMACIсининг  
ҚАРОРИ**135 Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси намуналарининг йўл ҳаракати тўғрисидаги Конвенция (Вена шаҳри, 1968 йил 8 ноябрь) тавсияларига мувофиқлигини таъминлаш, миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини ҳамда автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг пластик шаклда тайёрланадиган янги намуналарини босқичма-босқич жорий этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг янги намунаси ва унинг тавсифи 1-иловага мувофиқ;

автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намунаси ва унинг тавсифи 2-иловага мувофиқ;

автотранспорт воситаси техник кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги талоннинг янги намунаси ва унинг тавсифи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

2017 йил 1 октябрдан бошлаб тегишли равишда миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришда — миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг, автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказишда (қайта рўйхатдан ўтказишда) — автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналари берилди;

янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси берилган кундан бошлаб 10 йил муддатга берилди;

амалдаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларига алмаштириш:

2017 йил 1 октябрь — 2018 йил 31 декабрь даврида — эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари учун, уларнинг берилган санасидан қатъи назар — улар эгасининг ёзма аризасига кўра ихтиёрий равишда;

2019 йил 1 январь — 2020 йил 31 декабрь даврида — эски намунадаги барча миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари учун, уларнинг берилган санасидан қатъи назар — мажбурий тартибда;

автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гу-

воҳномани янги намунадаги гувоҳномага алмаштириш 2017 — 2020 йиллар мобайнида босқичма-босқич — автотототранспорт воситасини мажбурий техник кўриқдан ўтказишда амалга оширилади;

эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳамда автотототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар 2021 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида автотототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг янги намунасини тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 19 декабрдаги 261-сон қарори 2017 йил 1 октябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасига рўйхатдан ўтказиш тартиботларини соддалаштиришни ва автотототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг пластик шакллари жорий этишни назарда тутган ҳолда Автотототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини, шунингдек қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан таклифлар киритсин;

ўзининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан интернет-нашрларда миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автотототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг пластик шакллар асосидаги янги намуналарини босқичма-босқич жорий этишнинг мақсадлари, тартиби ва шартлари кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва ички ишлар вазири А.А. Азизов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**


**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 2 март,  
116-сон








Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 2 мартдаги 116-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Хайдовчилик гувоҳномасининг намунаси ва унинг  
ТАВСИФИ**

(олд томони)



(орқа томони)

1. Familiyasi / Фамилия / Surname	9.	10.	11.	12.
2. Ismi, Otasining ismi / Имя, Отчество / Name, Father's name	A 			
3. Tug'ilgan joyi va sanasi / Место и дата рождения / Place & date of birth	B 			
4a. Berilgan sanasi / Дата выдачи / Date of issue	C 			
4b. Amal qilish muddati / Годен до / Expiry date	D 			
4c. Berilgan joyi / Выдан кем / Place of issue	BE 			
5. Guvohnoma raqami / Номер удостоверения / License number	CE 			
6. Haydovchining rasmi / Фото владельца / Photo	DE 			
7. Shaxsiy imzo / Подпись / Signature				
8. Yashash joyi / Место проживания / Place of residence				
9. Toifalar / Категории / Categories				
10. Har bir toifani boshqarish uchun ruxsat berilgan sanasi / Дата выдачи разрешения для каждой категории / Date of issue for each category				
11. Har bir toifani boshqarish uchun ruxsat berilgan muddati / Дата окончания действия разрешения для каждой категории / Expiry date for each category				
12. Har bir toifaga tegishli qo'shimcha ma'lumotlar / Дополнительные сведения по каждой категории / Additional information for each category				

Alohida belgilar uchun  
Для особых отметок  
For special marks

### Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ТАВСИФИ

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси пластикдан тайёрланади. Пластикдан тайёрланган гувоҳнома ўлчами 54 x 86 миллиметрли ташкил этади. Гувоҳноманинг ранги — оч пушти. Лотин ёзувидаги давлат тилидан фойдаланилади. Серияли рақами икки ҳарфли, номери олти рақамли.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг пластик шакли қуйидаги ҳимоя воситаларига эга:

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири шаклидаги голограмма, у нишабликнинг турлича бурчагида ўз шаклини ўзгартиради;

микроматн — «Haydovchilik guvohnomasi Водительское удостоверение Driving licence», ўлчами максимум 30 микрон;

ультрабинафша коплама;

«UZ» ёзувли эгилганда бир рангдан бошқа рангга товланадиган оптик турланадиган бўёк;

гильош, доимий равишда қийшайиб турадиган 40 — 70 мкм қалинликдаги тўлқинли чизиқларнинг қалин тармоғи шаклидаги нақш;

серияли рақамнинг лазер ўйма нақши.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг олд томонида «Haydovchilik guvohnomasi», «Водительское удостоверение», «Driving licence» сўзлари ёзилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири ту-

ширилган, Ўзбекистон Республикасининг номи давлат тилида, рус ва инглиз тилларида ёзилган, Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенцияга (Вена шаҳри, 1968 йил 8 ноябрь) 6-илова 4-бандининг 1 — 3, 4а — 4с, 5 — 7, 9-кичик бандларида ва 5-банди 8-кичик бандида назарда тутилган маълумотлар мажбурий тартибда кўрсатилади, фотосурат учун жой назарда тутилган.

Орқа томонида Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенцияга (Вена шаҳри, 1968 йил 8 ноябрь) 6-илова 4-бандининг 9 ва 12-кичик бандларида, шунингдек 5-бандининг 10 ва 11-кичик бандларида назарда тутилган маълумотлар мажбурий тартибда кўрсатилади. 1 — 12-бандларда назарда тутилган маълумотлар келтирилади. Алоҳида белгилар учун жой назарда тутилган.

А, В, С, D, BE, CE ва DE тоифаларини бошқариш учун миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳақиқийлиги тегишли пиктограммалар билан ифодаланган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 2 мартдаги 116-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Автомототранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги  
тўғрисидаги гувоҳноманинг намунаси ва унинг  
ТАВСИФИ**

(олд томони)



*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

(орқа томони)



### Автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг ТАВСИФИ

Автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ўлчами 54 x 86 мм пластикдан тайёрланади. Автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг ранги — кўк. Лотин ёзувидаги давлат тилидан фойдаланилади. Серияли рақам икки ҳарфли, номери олти рақамли.

Автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг пластик шакли қуйидаги ҳимоя воситаларига эга:

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири шаклидаги голограмма, у нишабликнинг турлича бурчагида ўз шаклини ўзгартиради;

микроматн — «Avtomototransport vositasi ro'yxatdan o'tkazilganligi to'g'risida guvohnoma Свидетельство о регистрации автомобильного средства Vehicle license», ўлчами максимум 30 микрон;

ультрабинафша қоплама;

«UZ» ёзуви эгилганда бир рангдан бошқа рангга товланадиган оптик турланадиган бўёк;

гильош, доимий равишда қийшайиб турадиган 40 — 70 мкм қалинликдаги тўлқинли чизиқларнинг қалин тармоғи шаклидаги нақш;

серияли рақамнинг лазер ўйма нақши.

Гувоҳноманинг олд томонида «Avtomototransport vositasi ro‘yxatdan o‘tkazilganligi to‘g‘risida guvohnoma», «Свидетельство о регистрации автотранспортного средства», «Vehicle license» сўзлари ёзилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган, «Ўзбекистон Республикаси» сўзлари давлат тилида, рус ва инглиз тилларида ёзилган. Автототранспорт воситасининг давлат рақам белгиси, ишлаб чиқарилган йили, автототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилган сана, автототранспорт воситасининг эгаси тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми ёки ташкилотнинг номи, манзили), Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг бўлими мажбурий тартибда кўрсатилади.

Автототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг орқа томонида автототранспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар: русуми, модели, тури, кузов/шоссе рақами, тўла вазни, юксик вазни, двигателнинг тоифаси ва қуввати, ёнилғи тури, ранги, хайдовчининг ўриндиғи билан биргаликда ўтириладиган ўринлар сони, тик туриладиган ўринлар сони, алоҳида белгилар мажбурий тартибда кўрсатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 2 мартдаги 116-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Автототранспорт воситаси техник кўриқдан ўтганлиги  
тўғрисидаги талоннинг намунаси ва унинг  
ТАВСИФИ**

(олд томони)

**AVTOMOTOTRANSPORT VOSITASI TEXNIK  
KO‘RIK DAN O‘TGANLIGI TO‘G‘RISIDA TALON**

**00UZ № 000000**

**Avtomototransport vositasining rusumi \_\_\_\_\_**

**Davlat ro‘yxatidan o‘tkazish raqami belgisi \_\_\_\_\_**

(орқа томони)

<p><b>O‘tkazilgan texnik ko‘rik natijasi</b> _____ SOZ/NOSOZ</p> <p><b>Texnik ko‘rikdan o‘tkazilgan sana</b> 20__ yil «__» _____</p> <p><b>Navbatdagi texnik ko‘rikdan o‘tkazish sanasi</b> 20__ yil «__» _____</p> <p><b>Alohida belgilar</b> _____</p> <p>_____ (DYHXX bo‘linmasining nomi, mansabdor shaxsning lavozimi, unvoni, F.I.Sh. va imzosi)</p> <p style="text-align: right;">M.O‘.</p>
--

### Техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талоннинг ТАВСИФИ

Техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон тўртбурчак шаклидаги, ўлчамлари 54 x 86 мм бўлган зичлиги бир квадрат метрга 140+/-5 грамманли 100% пахтадан олинган қоғоздан тайёрланади. Қоғоз қатлами орасига жойлашган, ультрабинафша нурда кўринадиган кўк ва оч яшил рангли тола ҳамда нурда яхши ажралиб турадиган «пахта чаноғи» кўринишидаги умумий «сув белги»си мавжуд.

Офсетли ёзув, минтақа коди, серияси икки ҳарфли, номери олти рақамли.

Бланка қуйидаги махсус ҳимояга эга:

кимёвий таъсирга бардошли бўёқдан фойдаланилади, юза қисмидаги каттакларда нусха олишга ва сканер қилишга қарши ингичка чизиқлар мавжуд. Бир рангдан бошқа рангга расм чизиқлари бузилмасдан охиста жилоланиши таъминланган. Жуда катталаштирилганда микроматн кўринади, ультрабинафша нурда кўринмайдиган тасвирлар ва олти рақамли сон кўринади. Махсус қабарик ва ўйиқлар мавжуд.

Лотин ёзувидаги давлат тилидаги матндан фойдаланилган.

Олд томонида автототранспорт воситасининг русуми, давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиси кўрсатилади.

Талоннинг орқа томонида ўтказилган техник кўриқ натижаси, жорий ва навбатдаги техник кўриқдан ўтиш санаси кўрсатилади.

Талондаги ёзувлар Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати бўлими мансabdор шахси томонидан амалга оширилади ҳамда унинг имзоси ва махсус штампи билан тасдиқланади.